

**Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида коррупция фактларига доир
муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида 2022 йил 8 ойлик
ҲИСОБОТ**

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган муурожаатларнинг **76 таси**да мазмунан коррупция фактларига доир маълумотлар кўрсатилган.

Ушбу муурожаатларни вилоятлар кесимида тақсимлаганда қуйидаги кўринишда ифодаланади:

Самарқанд вилояти бўйича - **22та** (28,9%), Фарғона вилояти - **20та** (26,3%), Сурхондарё вилояти - **13та** (17%), Тошкент ш. ва вилояти - **9та** (11,8%), Навоий вилояти - **5та** (6,5%), Қашқадарё вилояти - **4та** (5,2%), Наманган вилояти - **2та** (2,6%) ва Сирдарё вилояти - **1та** (1,3%).

Ушбу муурожаатларни келиб тушган алоқа каналлари бўйича тақсимоти қуйидагича: - **44** таси ёзма равишда, **16** таси ҳукумат виртуал қабулхонасидан, **12** таси электрон почта орқали, **2** таси ишонч телефонлари орқали келган бўлса, **2** таси қўмита масъул ходими томонидан қабул қилинган.

Муурожаатларнинг **9** таси такрорий, **6** таси дубликат ҳисобланади.

Мазкур муурожаатларнинг **33** таси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ бошқа ташкилотларига юборилган; **2** таси ушбу Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ тегишли хулоса бериш орқали ижобий ҳал этилган; **32** та муурожаат муаллифларига ҳуқуқий ва тегишли тушунтириш берилган, **9** таси муурожаатчиларнинг фойдасига ижобий ҳал қилинган.

Шунингдек, муурожаатларни ўрганиш давомида улардан **3** тасида қуйидаги қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан:

- Янгийўл ўрмон бўлимида дарахтларни ноқонуний кесилиши ва ўрмон ерларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари натижасида 73 млн. сўмдан ортиқ камомат мавжудлиги аниқланган. Тўпланган материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХга юборилган;

- Пахтачи давлат ўрмон хўжалигида ижара шартномалари бўйича маблағларни кирим қилинмаслиги, мақсадсиз ишлатилганлиги ва бошқа ҳолатлар натижасида 83 млн. сўм зарар етказилганлиги аниқланган. Тўпланган ҳужжатлар Пахтачи тумани прокуратурасига юборилган.

- Қўқон давлат ўрмон хўжалигида меҳнат муносабатлари ва ижара шартномалари билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ўрганиш натижалари Фарғона вилояти ўрмон хўжалиги бошқармасига юборилган.

Муурожаатларни ўрганиш натижалари юзасидан мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида, тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатар харитасини тайёрлашда инобатга олинган.

**Комплаенс назорат бўлими
бошлиғи**

 **Рўзиев У.А.**

2022 йил “ 8 ” сентябрь

